



1871 йилда **Смитсон институти ходими Уильям Дюбуа** Иллинойс штатида жуда катта чукурликдан инсон кўли меҳнати натижасида ясалган бир неча буюмлар топилгани хақида хабар берди. Бу буюмлардан бири **Лоун-Ридж (Маршалл округи)да топилган айланасимон мис пластинка эди**

1870 йил август ойида Дж. Моффит Смитсон институтига юборган мактубида шундай деб ёзади:

"Мен оддий тупрок бурги билан кудук казиб, 38 метр чукурликда бургу бир ноодатий буюмга дуч келди."

Моффит чукурликка етгунча бир неча катламлардан ўтган:

- 90 см тупрок,
- 3 м сарик гил,
- 120 см кўк гил ва бошқа катламлар,
- 7 м аралаш гил катлами.

1881 йилда А. Уинчелл ҳам шундай бир буюм хақида ёзади. У Уилмот номли кишидан келган мактубдан иктибос келтиради. Уилмотнинг ёзишича, **"мис танга"**

35 метр чукурликдан топилган.

Иллинойс штати Геология разведка хизмати 35 метр чуқурликдаги катламларни Ярму т музликлараро даврига (200–400 минг йил олдин) мансуб деб баҳолаган

Дюбуа "танга" хакида шундай таъриф беради:

"Бу жуда кўпол ясалган, айланасимон тўғри тўртбурчак шаклидаги буюм бўлиб, ҳар икки томонида ёзув ва тасвирлар бор. Аммо мен бу ёзув қайси тилда эканини аниқлай олмадим. У ҳеч бир маълум танга турига ўхшамайди."

Дюбуа бу буюм механик йўл билан ясалганини таъкидлайди.

Унинг барча жойлари бир хил калинликка эга бўлиб, бу буюм **прокат станокдан ўтказилган бўлиши мумкинлигини** кўрсатади. Дюбуа шундай дейди:

"Агар қадимги хиндиларда бундай технология бўлган бўлса, у ҳолда у жуда қадимги даврларга тааллуқли."

Шунингдек, **буюм четлари металл қайчи ёки махсус чекан воситаси билан кесилганлиги тахмин килинган**

Бу топилма Шимолий Америкада қамида 200 минг йил аввал ривожланган цивилизация бўлганини кўрсатади.

Ҳозирги олимларнинг фикрига кўра, **аклли инсонлар 100 минг йил аввал пайдо бўлган**, биринчи металл тангалар эса **б.з. авв. VIII асрда Кичик Осиёда пайдо бўлган**

Моффит шунингдек, Иллинойснинг Уайтсайд округида 36,5 метр чуқурликдан бошқа буюмлар топилгани хакида хабар берган:

- Катта мис халка – бу денгизда ишлатиладиган кемалар учун хала (обруч) га ўхшаган
- Қайик илиш учун ишлатиладиган темир илгак

Иллинойс штатидаги кудуклардан топилган буюмлар

Муаллиф:

07.02.2025 14:42 -

- 12 метр чуқурликдан харпунга ўхшаш темир пичок
- 3–15 метр чуқурликда қўлда тайёрланган гилам буюмлар ва тош чилимлар (трубалар)

Бу топилмалар эса, Шимолий Америкада

**200 МИНГ ЙИЛ АВВАЛ РИВОЖЛАНГАН ЦИВИЛИЗАЦИЯ БЎЛГАН БЎЛИШИ
МУМКИНЛИГИНИ КЎРСАТМОҚДА!**